

Хутбадан олдин икки мартаба айтиладиган азон бидъатми?

21:09 / 25.04.2016 2612

Ассалому алайкум! Жумъа намозида, имомнинг хутбасидан олдин 2 мартаба айтиладиган азонни Доғистонлик бир мусулмон уламнинг мақоласида «бидъат» деб ёзилганини ўқидим. Бу нарсага Усмон ҳазратларининг халийфалик даврларидан кейин ружуъ қўйилган экан. Шу ҳақда ҳам маълумот беринг, шоядки ҳаққ йўл топган бандалар қаторидан бўлайлик.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда икки халийфалари – ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрати Умари Оодил даврларида Жумъа куни имом минбарга чиққанида азон айтилар, хутба ўқиб бўлиб, минбардан тушганида, иқома айтилиб, намоз ўқилар эди.

Ҳазрати Усмон даврларига келиб, Ислом диёри кенгайиб, мусулмонлар сони кўпайди. Имом минбарга чиққанидан кейин азон айтилса ва хутба қилинса, ундан сўнг жумъа намози ўқиладиган бўлса, узоқроқдаги кишилар азонни эшитгандан сўнг ҳаракатга тушиб, масжидга келадиган бўлсалар, намозга кеч қоладиган бўлдилар.

Ана шунда уларни олдинроқ хабардор қилиш учун Жумъа намози вақти кириши биланоқ бир қўшимча азон айтиш жорий қилинди.

Бу азон Мадийнаи Мунавваранинг бозори ичидаги «Завро» деб аталган жойдаги бир уйнинг томидан айтилар эди. Бозор қилиб ёки бошқа ишлар билан машғул бўлиб юрган одамлар ўша биринчи азонни эшитганларидан сўнг ишларини йиғиштириб, тоҳарат қилар ва масжидга тўпланар эдилар. Жумъа намозининг ҳақийқий вақти бўлганда эса имом минбарга чиқар ва муаззин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умар давридаги каби азон айтар эди.

Бу иш ўз самарасини кўрсатиб, кишилар Жумъа намозига кеч қолмайдиган бўлдилар. Шундан сўнг бу иш ҳаммага маъқул келиб, Жумъа намозига икки марта азон айтиш ҳамма жойларда жорий қилинди ва собит бўлиб қолди.

Бу ишни нотўғри дейиш илмли одамнинг гапи эмас. Валлоҳу аълам.